

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМЗАЕВ КОМИЛЖОН АМИРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИНИ ПРОГНОЗЛАШДА КЛИНИК-МОРФОЛОГИК
ҚОНУНИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Хамзаев Комилжон Амирович

Болаларда сурункали буйрак касалликларининг
ривожланишини прогнозлашда клиник-морфологик
қонуниятларини баҳолаш..... 3

Хамзаев Комилжон Амирович

Оценка клинико-морфологических закономерностей
в прогнозе прогрессирования хронических болезней
почек у детей..... 29

Khamzaev Komiljon Amirovich

Assessment of clinical and morphological patterns in
the prognosis of progression of chronic kidney diseases
in children..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХАМЗАЕВ КОМИЛЖОН АМИРОВИЧ

**БОЛАЛАРДА СУРУНКАЛИ БУЙРАК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ
РИВОЖЛАНИШИНИ ПРОГНОЗЛАШДА КЛИНИК-МОРФОЛОГИК
ҚОНУНИЯТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ -2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.DSc/Tib72 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Шарипов Алишер Мирхамидович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алиев Ахмаджон Лутфуллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Цыгин Алексей Николаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмеджанова Наргиза Исмаиловна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сўнгги йилларда статистик маълумотларга кўра болалар ва катталар орасида сурункали буйрак касалликлари учраш даражаси ортиб бормоқда, ушбу хасталикнинг беморларнинг хаёт сифати ва ижтимоий фаоллигига таъсири долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра «...умумлаштирилганда юқумли бўлмаган касалликлар бутун дунёдаги ўлим сабабларини 74% ини ташкил қилади, 2019 йилда буйрак касалликлари ўлим сабаблари орасида биринчи ўринни эгаллади...»¹. Сурункали буйрак касаллиги юқумли бўлмаган касалликларнинг ёмон оқибатлар билан тугашига олиб келади, шу туфайли 2030 йилга келиб юқумли бўлмаган касалликлардан юз берадиган барвақт ўлимни учдан бирга камайтириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барқарор ривожланиш мақсадларига киритилган². Болаларга сурункали буйрак касаллигига эрта ташхис қўйиш касалликда буйракда бўладиган морфологик ўзгаришларни баҳолаш, даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, сурункали касалликларини қайтмас босқичлари ривожланишини прогнозлаш ва олдини олиш долзарб илмий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланишини прогнозлашда клиник-морфологик қонуниятларини баҳолаш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада биринчи ва иккинчи босқичдаги сурункали буйрак касалликлари бўлган болаларда нефротик ва нефритик синдромлар кечишининг клиник хусусиятларини баҳолаш, болаларда сурункали буйрак касалликларида нефротик ва нефритик синдромларининг морфологик белгиларининг хусусиятларини, болалардаги сурункали буйрак касалликларининг клиник кечиши ва буйракларнинг морфологик кўриниши ўртасидаги ўзаро боғлиқ қонуниятларни, бирламчи нефротик синдром ва нефритик синдром, IgA нефропатияни баҳолашда популяцион текширувлар, шунингдек касалликларнинг морфологик, молекуляр-генетик хусусиятларини, стероид резистент синдромдаги генетик мутациялар, иммун жавоб, подоцитлар цитоскелети ва нефрин ипларини кодлашни тартибга солувчи генларни баҳолашга қаратилган тадқиқотлар долзарб илмий муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни самарали ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи

¹ <https://www.who.int/data/gho/data/themes/mortality-and-global-health-estimates>.

² <https://www.undp.org/sustainable-development-goals>

тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланишини прогнозлашда клиник-морфологик қонуниятларини баҳолашни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ 6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2020 йил 2 октябрдаги ПҚ-4847-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи⁴.

Болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланишини прогнозлашда клиник-морфологик қонуниятларини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, European Society of Pediatric Nephrology (Буюк Британия), International Pediatric Nephrology Association (Чехия), International Society of Nephrology (АҚШ), Asian Pediatric Nephrology Association (Ҳиндистон); Korean Society of Pediatric Nephrology (Жанубий Корея), Kidney Disease: Improving Global Outcomes (Белгия), All India Institute of Medical Sciences (Ҳиндистон), Great Ormond Street Hospital (Буюк Британия), Лестер Госпитали (Буюк Британия), Пекин Университети клиникаси (Хитой), Россия диализ жамияти (Россия), Болалар нефрологларининг ижодий уюшмаси (Россия), Болалар саломатлиги бўйича Миллий тиббий тадқиқот маркази (Россия), Академик Ю.Е. Вельтищев номидаги педиатрия ва болалар жарроҳлиги илмий-тадқиқот клиник институти (Россия) ҳамда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази, Болалар миллий тиббиёт маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.espn-online.org>; <https://www.theisn.org>; <https://aspna-online.org>; <https://kdigo.org>; https://kspn.org/register/2018_05/main.html; <http://www.nephro.ru>; <http://pediatriya.uz>; <https://clinic.tashpmi.uz>; <https://bmtm.uz>; <https://nczd.ru>; <https://www.aiims.edu/en.html>; <https://www.gosh.nhs.uk>; <https://pedklin.ru>; <http://pkufh.91health.net>; <https://www.leicestershospitals.nhs.uk>;

Болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланишини прогнозлашда клиник-морфологик қонуниятларини баҳолаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: стероид резистент нефротик синдромда фокал-сегментар гломерулосклерозни аҳамияти очиб берилган (International Pediatric Nephrology Association, Чехия); стероид нефротик синдромли болаларда генетик мутацияларнинг ўрни ва аҳамияти баҳоланган (Great Ormond Street Hospital, Буюк Британия); нефротик синдромни даволашда такролимус дори воситасини самарадорлиги баҳоланган (All India Institute of Medical Sciences, Ҳиндистон); стероид резистент ва стероидга сезгир нефротик синдромларни даволашни тавсиялари ишлаб чиқилган (International Pediatric Nephrology Association, Чехия); болаларда гломерулонефритларни даволашни тавсиялари ишлаб чиқилган (Kidney Disease: Improving Global Outcomes, Белгия); IgA нефропатияда стероидларни, азатиоприн ва микофенолат мофетилни қўллашни самарадорлиги баҳоланган (Peking University, Хитой); IgA нефропатияни прогнозлашда ва даволашда Оксфорд MEST-C шкаласини қўллашни аҳамияти очиб берилган (Korean Society of Pediatric Nephrology, Жанубий Корея); сурункали буйрак касаллигида болалардаги генетик ўзгаришларни аҳамияти, нефротик синдромни даволашда микофенолат мофетилни таъсири исботланган (Болалар саломатлиги бўйича Миллий тиббий тадқиқот маркази, Россия); IgA нефропатияни прогнозлаш усулларини болалар учун қўллаш усуллари ишлаб чиқилган (International Society of Nephrology, АҚШ); кунлик рацион таркибидаги нутриентив ўзгаришларнинг моддалар алмашинуви касалликлари асоратлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлиги исботланган (University of Catania, Италия); ОАТР 2Б1 овқат қўшимчаларининг ичак ингибитори сифатидаги дори воситаси ўрнидаги вазифаси исботланган (University of Helsinki, Финляндия); овқат рацион таркибида ишлатиладиган биологик фаол қўшимчаларнинг биологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий меъёрий базаси ишлаб чиқилган (University of South Dakota State University, АҚШ); ош тузини организмда чиқариб ташлаш хусусиятлари очиб берилган; овқат қўшимчаларининг ортиқча истеъмол қилиниши натижасида юзага келадиган ортиқча тана вазни ва семириш аҳолининг меҳнат қобилиятини пасайтириши, сурункали касалликларнинг ривожланиши ҳамда эрта ўлимга олиб келиш ҳолатлари исботланган (Ewha Womans University (Жанубий Корея), University of Québec (Канада), National Institute of Nutrition (Ҳиндистон), National Institute of Health and Nutrition (Япония), Биринчи Москва давлат тиббиёт университети (Россия); (University of Oslo, Норвегия); болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланишини прогнозлашда клиник-морфологик қонуниятларини баҳолашни такомиллаштирилган (Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Дунёда болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланишини прогнозлашда клиник-морфологик қонуниятларини баҳолаш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: стероид резистентликда беморлар қони ёки пешобда буйраклар зарарланишини маркерларини, буйрак биопсиясида фокал сегментар склерозни,

иммунофлюоресцент микроскопда иммун депозитларни, MEST-C шкаласини кўллашни аҳамиятини асослаш; болаларда сурункали буйрак касалликлари кечишининг морфологик вариантларига кўра патогенетик даволаш самарадорлик даражасини баҳолаш тартиби ишлаб чиқиш; узоқ муддатли катамнестик кузатув асосида болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланиши учун хавф омиллари ўрнини асослаш; касалликнинг кечиши ва оқибатларини назорат қилиш учун болаларда сурункали буйрак касаллиги ривожланишининг клиник-морфологик мезонларини ишлаб чиқишни такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда сурункали буйрак касаллигини даволаш ва прогнозлашни такомиллаштириш бўйича халқаро болалар нефрологлари ассоциацияси томонидан стероид резистент ва стероидга сезгир нефротик синдромларни ташхислаш ва даволашни тавсиялари ишлаб чиқилган (Trautmann A., 2020; Trautmann A., 2022), аммо стероид резистент нефротик синдром ва IgA нефропатияни даволаш ва уларда сурункали буйрак касаллиги ривожланишини секинлаштириш бўйича ягона фикр ҳанузгача мавжуд эмас. Иммун ва аутоиммун, молекуляр генетик назариялар нефротик ва нефритик синдромлар патогенезини буйракларда фокал сегментар склероз, мембраноз жараёнлар, мезангиал ва эндокапилляр пролиферация, яримойлар, сегментар склероз, каналчалар атрофияси ва склерози, цитокинлар ва CD19 ва CD20 лимфоцитларни фаоллашуви, IgAни ўз ичига олган иммун комплекслар таъсирида буйраклар коптокчаларини нобуд бўлиши билан боғлайди (Xuhui Zhong, 2023; Sean J. Barbour, 2020). Фокал сегментар гломерулосклероз ва стероид резистент нефротик синдромда беморда генетик мутациялар мавжудлиги кўрсатилган (Matthias C. Braunisch, 2021). Нефротик ва нефритик синдромларда сурункали буйрак касаллиги ривожланишида тизимли глюкокортикостероид, иммуносупрессантлар – циклофосфан, такролимус ва циклоспорин А, моноклонал антитана – ритуксимаб, каби режимларининг самарадорлиги кўрсатилган (See Cheng Yeo, 2019; Małgorzata M-Wasiak 2023; Agnes Trautmann, 2023; Shuichiro Fujinaga, 2023).

МДХ мамлакатларида болаларда нефротик ва нефритик синдромларни диагностикаси, даволашнинг ва уларда сурункали буйрак касаллиги ривожланишини прогнозлашни турли жиҳатлари бўйича бир қанча тадқиқотлар ўтказилган, стероид резистент ва стероидга сезгир нефротик синдромни даволаш бўйича янгиланган клиник тавсиялари пайдо бўлган, стероид резистент нефротик синдромда, доимий протеинурия ва гематурияларда генетик мутацияларнинг аҳамияти аниқланган (Цыгин А.Н., 2019). Сурункали буйрак касаллиги ривожланишида просклеротик биомаркерлар, цистатин С, эндотелийнинг дисфункцияси, плазминоген-1-АГ активатори ингибитори, матрикс металлопротеазалар ҳисса кўшиши тушунтирилган (Комарова О.В., 2016). Ҳозирги вақтда жамланган адабиёт маълумотларига кўра, нефротик ва нефритик синдромларда ҳамда уларнинг турли морфологик вариантлари ва кечишларида буйрак омон қолишини башорат қиладиган сурункали буйрак касаллигининг хавф омилларини

аниқловчи ягона ёндашув ишлаб чиқилмаган. Стероидлар ва турли иммуносупрессантлар ёрдамида нефритик ва нефротик синдромни даволашнинг турли тартибларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича тадқиқотлар, шунингдек, болаларда нефритик синдромни даволашнинг умумий тан олинган тактикалари тўлиқ ёритиб берилмаган.

Мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида сурункали буйрак касалликларини самарали ташхислаш, даволашнинг замонавий технологияларни қўллаш ва олдини олиш борасида қатор муаллифлар илмий тадқиқотлар олиб боришган (Б.Т.Даминов, М.А.Сабиров, Ш.С.Абдуллаев, М.М.Каримов, Д.А.Эгамбердиева, А.Л.Аляви, К.М. Даминова, 2022), бироқ, болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланишини прогнозлашда клиник-морфологик қонуниятларини баҳолаш такомиллаштирилмаган.

Болаларда сурункали буйрак касаллигини эрта аниқлаш, даволаш ва унинг ривожланишини профилактика чора тадбирлари самарадорлигини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Сурункали буйрак касаллиги ривожланишини прогнозлаш учун қулай предикторларни ишлаб чиқиш, хавф омилларини, нефротик ва нефритик синдромда морфологик ўзгаришларни хусусиятларини, IgA нефропатияда ўзига хос клиник белгиларни ўрганиш, нефротик синдром ва IgA нефропатияда даволаш режимларини танлаш, касалликнинг ривожланиш даражаси, аниқланган морфологик ўзгаришларни прогностик аҳамиятини ўрганиш, беморларнинг ҳаёт сифатини баҳолаш, даволаш чора-тадбирлари тактикасини такомиллаштириш замонавий тиббиётнинг амалий жиҳатдан энг муҳим ва долзарб муаммоси бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот режаси бўйича №01.980006703 «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларнинг диагностикаси, давоси ва профилактикаси» (2018-2022 йй.) илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда сурункали буйрак касаллигининг ривожланиши ва кечишини қонуниятларини аниқловчи клиник ва морфологик предикторларни ўтказилган даволаш натижаларига боғлиқ равишда ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

сурункали буйрак касалликлари бўлган болаларда нефротик ва нефритик синдромлар кечишининг клиник хусусиятларини баҳолаш;

болаларда сурункали буйрак касалликларида нефротик ва нефритик синдромларининг морфологик белгиларининг хусусиятларини баҳолаш;

болалардаги сурункали буйрак касалликларининг клиник кечиши ва буйракларнинг морфологик кўриниши ўртасидаги ўзаро боғлиқ қонуниятларни баҳолаш;

болаларда сурункали буйрак касалликлари кечишининг морфологик вариантларига кўра, патогенетик даволаш самарадорлик даражасини баҳолаш;

узоқ муддатли катамнестик кузатув асосида болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланиши учун хавф омилларини баҳолаш;

касалликнинг кечиши ва оқибатларини назорат қилиш учун болаларда сурункали буйрак касаллиги ривожланишининг клиник-морфологик мезонларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий марказида 2010-2022 йилларда ва Болалар миллий тиббиёт марказида 2021-2022 йилларда даволанган 238 нафар сурункали буйрак касаллиги билан хасталанган бемор болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида бемор болаларнинг веноз қони ҳамда қон зардоби, морфологик текширув учун буйрак биоптати материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, иммунологик, морфологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сурункали буйрак касаллигини нефротик ва нефритик синдромининг клиник ва морфологик вариантларида иммунодепрессант даволашда хасталикнинг ижобий башоратига тўсқинлик қилувчи стероидга резистент нефротик синдромли болалар сонининг юқорилигини (49%) буйрак биопсиясида фокал-сегментар гломерулосклероз ва мембраноз нефритнинг морфологик белгиларини мавжудлиги исботланган;

болаларда бирламчи гломерулопатиялар қўламида биопсияда IgA нефропатия ва минимал ўзгаришли касалликнинг устунлиги аниқланган ҳамда IgA нефропатиянинг 44% ва минимал ўзгаришли касалликнинг 34% ҳолатларида сурункали буйрак касаллигининг қайтмас босқичлари ривожланиши исботланган;

болаларда тез қайталовчи ва стероидга резистент нефротик синдромни преднизолон, микофенолат мофетил, такролимусдан иборат комбинацияланган иммуносупрессия билан даволашнинг юқори самара бериши, даволашнинг ишлаб чиқилган хавфсиз усулларида фойдаланиш болаларда сурункали буйрак касаллигини прогностлаш имкониятини яратиши исботланган;

IgA нефропатиянинг “яримойли”, мезангиал пролиферацияли ва эндокапилляр пролиферацияли шаклларида стероид даволаш фонида метилпреднизолон ва циклофосфан пулс-терапиялари, микофенолат мофетил билан даволашнинг энг юқори самарадорлиги ишончли равишда асосланган, фокал-сегментар гломерулосклероз ва С3-гломерулопатия морфологик белгилари бўлган болаларда эса қўлланиладиган иммуносупрессив даволаш тартибларидан қатъи назар энг кам самарадор бўлиши исботланган;

MEST шкаласи бўйича баҳолаш жараёнига башоратлаш мезонлари сифатида ҳисобланган коптокчалар филтрацияси тезлиги, артериал қон босими ва протеинурияни дастлабки кўрсаткичларини қўшилиши болаларда сурункали буйрак касаллигининг қайтмас босқичларининг ривожланиш хавфини сезиларли даражада камайишига олиб келганлиги, болаларда

стероидга резистент нефротик синдром, тез қайталанувчи нефротик синдром ва IgA нефропатияси комбинацияланган иммуносупрессив терапияга сезгир бўлганда 3, 6, 9 ва 12 йиллик ремиссияга эришиш сурункали буйрак касаллигининг ривожланиши учун ижобий натижани олдиндан белгилаб бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

соғлиқни сақлаш амалиётида нефротик ва нефритик синдромларда сурункали буйрак касаллигининг қайтмас босқичлари ривожланишини секинлаштириш учун ишлаб чиқилган клиник ва морфологик мезонлар асосланган;

тиббиёт муассасалари учун болаларда стероидга резистент нефротик синдром, тез қайталанувчи нефротик синдром ва IgA нефропатияда сурункали буйрак касаллиги ривожланишининг ривожланишини сезиларли камайтирувчи стероид терапияси билан комбинацияланган иммуносупрессив даволанишни қўллаш тартиби асосланган;

нефротик ва нефритик синдромлар кечишида сурункали буйрак касаллигининг 3 - ва ундан юқори даражалари ривожланишини прогноз қилувчи клиник-морфологик предикторлари асосланган;

касалликнинг иммунологик, клиник ва морфологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда нефротик ва нефритик синдромлар учун ишлаб чиқилган нефропротектив ва иммуносупрессив давонинг индивидуал ёндашув усулларининг самарадорлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, морфологик қонуниятларини баҳолашда клиник, биокимёвий, иммунологик, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари асосида болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланишини прогнозлашда клиник-морфологик қонуниятларини баҳолашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда нефротик ва нефритик синдромларни прогноз қилишда морфологик текширишнинг натижасида ушбу синдромларда комбинацияланган иммуносупрессив терапияни қўллаш қўлами кенгайтирилиши сурункали буйрак касаллигининг қайтмас босқичлари ривожланишининг олдини олиши, IgA нефропатиянинг прогнозлашда MEST шкаласининг прогностик аҳамияти ишлаб чиқилиши, нефротик ва нефритик синдромларда сурункали буйрак касаллигининг салбий прогнозини белгиловчи клиник ва морфологик предикторларни аҳамияти аниқ белгилаб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти морфологик текширишлар орқали болаларда нефротик ва нефритик синдромларни даволашга индивидуал

ёндашувни таклиф қилинганлиги, нефротик синдромнинг фокал-сегментар гломерулосклероз морфологик вариантыда преднизолон, микофенолат мофетил, такролимус дори воситаларидан иборат комбинациялашган давони тавсия этилганлиги, нефритик синдромнинг ва IgA нефропатиянинг протеинурия, гематурия, шиш, артериал гипертензия билан кечувчи шаклларида стероид даволаш фонида метилпреднизолон ва циклофосфан пулс-терапиялари, микофенолат мофетил билан даволашни тавсия этилганлиги, нефритик ва нефротик синдромли болаларни даволаш учун таклиф қилинган схемалар ёрдамида бемор болаларда клиник ҳолатни барқарорлаштирилиши, буйрак фаолияти кўрсаткичларига ижобий таъсир қилиши, касалликнинг ремиссия даврининг узайиши ва сурункали буйрак касаллиги қайтмас босқичларни ривожини олдини олиши, иқтисодий сарф-харажатларни қисқартирилиши, тез қайталанувчи нефротик синдромнинг минимал ўзгаришли морфологик шаклларида такролимус ва микофенолат мофетил препаратларини таъсири самарадорлиги, ушбу даволаш усулларини педиатрия амалиётида кенг қўллаш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йилдаги 28 майдаги 03/35 - сонли хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2023 йил 12 январдаги 03/54 -сонли хати юборилган):

биринчи илмий янгилик: сурункали буйрак касаллигини нефротик ва нефритик синдромининг клиник ва морфологик вариантларида иммуно-депрессант даволашда хасталикнинг ижобий башоратига тўсқинлик қилувчи стероидга резистент нефротик синдромли болалар сонининг юқорилигини (49%) буйрак биопсиясида фокал-сегментар гломерулосклероз ва мембраноз нефритнинг морфологик белгиларини мавжудлиги Самарқанд вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 14.02.2022 йилдаги 21-сонли буйруқ ва Болалар миллий тиббиёт маркази бўйича 13.05.2022 йилдаги I-09/32-ich сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: - стероид резистент нефротик синдром ва тез қайталанувчи нефротик синдром ёки нефритик синдром мавжуд болаларда буйрак биопсиясида фокал сегментар гломерулосклероз, мембраноз нефрит ёки минимал ўзгаришларни аниқланиши, нефритик синдромда эса IgA нефропатия, фокал сегментар гломерулосклероз, минимал ўзгаришларни, мезангиопролифератив гломерулонефрит, С3-нефропатияни аниқланиши ушбу касалликларда таклиф этилган комплекс ёндашувдан фойдаланиш ва сурункали буйрак касалликларини ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилаш орқали уларда буйракларни омон қолиш муддатларини узайтириш имкониятини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: нефротик ва нефритик синдромларда бемор болаларни шифохонада қолиш муддати 21 кундан 17 кунгача қисқартиртилган, ҳар бир беморга 4 кун учун сарфланадиган 1 360 800 сўм, 60 нафар бемор ҳисобидан умумий 81 648 000

сўм бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** нефритик ва нефротик синдромли болаларда ташхислаш ва даволашни яхшилаш, 1 нафар беморнинг 1 куни ҳисобига бюджет маблағларини 340 200 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: болаларда бирламчи гломерулопатиялар кўламида биопсияда IgA нефропатия ва минимал ўзгаришли касалликнинг устунлиги аниқланган ҳамда IgA нефропатиянинг 44% ва минимал ўзгаришли касалликнинг 34% ҳолатларида сурункали буйрак касаллигининг қайтмас босқичлари ривожланиши Самарқанд вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 14.02.2022 йилдаги 21-сонли буйруқ ва Болалар миллий тиббиёт маркази бўйича 13.05.2022 йилдаги I-09/32-ich сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: - тез қайталанувчи нефротик синдромда биопсияда минимал ўзгаришларни аниқланиши патогенетик даво учун кальциневрин ингибиторини қўшиш орқали даволаш самарадорлигини оширади. Стероид резистент нефротик синдромда биопсияда фокал сегментар гломерулосклерозни аниқлашиши рецидив юз бермаган беморлар учун комбинирланган иммуносупрессив даво усулини қўлланилиши даволаш самарадорлигини оширади, нефритик синдромда биопсияда аниқланган IgA нефропатиянинг турларига мос патогенетик даволаш олиб борилиши сурункали буйрак касаллиги ривожланишини олдини олади, нефротик ва нефритик синдромларда таклиф этилган комбинирланган иммуносупрессив даволашдан фойдаланиш ижобий натижалар беради, даволаш сифатини яхшилади ва сурункали буйрак касаллигини қайтмас босқичларини ривожланиши секинлаштиради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: нефротик ва нефритик синдромларда бемор болаларни шифохонада қолиш муддати 21 кундан 17 кунгача қисқартиртилган, ҳар бир беморга 4 кун учун сарфланадиган 1 360 800 сўм, 60 нафар бемор ҳисобидан умумий 81 648 000 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** нефритик ва нефротик синдромли болаларда ташхислаш ва даволашни яхшилаш, 1 нафар беморнинг 1 куни ҳисобига бюджет маблағларини 340 200 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: болаларда тез қайталанувчи ва стероидга резистент нефротик синдромни преднизолон, микофенолат мофетил, такролимусдан иборат комбинацияланган иммуносупрессия билан даволашнинг юқори самара бериши, даволашнинг ишлаб чиқилган хавфсиз усулларида фойдаланиш болаларда сурункали буйрак касаллигини прогнозлаш имкониятини яратиши натижалари болаларда сурункали буйрак касаллигининг башоратлаш тартиби Самарқанд вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 14.02.2022 йилдаги 21-сонли буйруқ ва Болалар миллий тиббиёт маркази бўйича 13.05.2022 йилдаги I-09/32-ich сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: - такролимус тез қайталанувчи нефротик синдромли болаларни даволашда ва стероид резистент нефротик синдром ҳолатларида ҳам самарадорликка эга бўлади, такролимусга сезгирлик мос равишда 66,7% ва 65,0% ни ташкил этиб, стероид

резистент ва тез қайталанувчи нефротик синдромли болаларда микофенолат мофетил ва такролимус комбинациясини қўлланилиши даволаш усули самарадорлигини 94,4% га оширади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: - нефротик ва нефритик синдромларда бемор болаларни шифохонада қолиш муддати 21 кундан 17 кунгача қисқарттирилган, ҳар бир беморга 4 кун учун сарфланадиган 1 360 800 сўм, 60 нафар бемор ҳисобидан умумий 81 648 000 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** нефритик ва нефротик синдромли болаларда ташхислаш ва даволашни яхшилаш, 1 нафар беморнинг 1 кунни ҳисобига бюджет маблағларини 340 200 сўмга иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: IgA нефропатиянинг “яримойли”, мезангиал пролиферацияли ва эндокапилляр пролиферацияли шаклларида стероид даволаш фонида метилпреднизолон ва циклофосфан пулс-терапиялари, микофенолат мофетил билан даволашнинг энг юқори самарадорлиги ишончли равишда асосланган, фокал-сегментар гломерулосклероз ва С3-гломерулопатия морфологик белгилари бўлган болаларда эса қўлланиладиган иммуносупрессив даволаш тартибларидан қатъи назар энг кам самарадор бўлиши Самарқанд вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 14.02.2022 йилдаги 21-сонли буйруқ ва Болалар миллий тиббиёт маркази бўйича 13.05.2022 йилдаги I-09/32-ich сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: - IgA нефропатиянинг “яримойли” шакли, мезангиал пролиферацияли ва эндокапилляр пролиферацияли шаклларида преднизолон қабул қилиши билан бирга метилпреднизолон ва циклофосфан пулс-терапиялари, микофенолат мофетил бирга қўллаш 56% болада сурункали буйрак касаллигини олдини олади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: - нефротик ва нефритик синдромларда бемор болаларни шифохонада қолиш муддати 21 кундан 17 кунгача қисқарттирилган, ҳар бир беморга 4 кун учун сарфланадиган 1 360 800 сўм, 60 нафар бемор ҳисобидан умумий 81 648 000 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** нефритик ва нефротик синдромли болаларда ташхислаш ва даволашни яхшилаш, 1 нафар беморнинг 1 кунни ҳисобига бюджет маблағларини 340 200 сўмга иқтисод қилиш имконини берган

бешинчи илмий янгилик: MEST шкаласи бўйича баҳолаш жараёнига башоратлаш мезонлари сифатида ҳисобланган коптокчалар фильтрацияси тезлиги, артериал қон босими ва протеинурияни дастлабки кўрсаткичларини қўшилиши болаларда сурункали буйрак касаллигининг қайтмас босқичларининг ривожланиш хавфини сезиларли даражада камайишига олиб келганлиги, болаларда стероидга резистент нефротик синдром, тез қайталанувчи нефротик синдром ва IgA нефропатияси комбинацияланган иммуносупрессив терапияга сезгир бўлганда 3, 6, 9 ва 12 йиллик ремиссияга эришиш сурункали буйрак касаллигининг ривожланиши учун ижобий натижани олдиндан белгилаб бериши тартиби Самарқанд вилояти Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 14.02.2022 йилдаги 21-сонли буйруқ ва Болалар миллий тиббиёт маркази бўйича 13.05.2022 йилдаги I-09/32-ich

сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: - IgA нефропатияда MEST шкаласи бўйича баҳолаш жараёнида ўзгаришлар аниқланганда, беморда артериал гипертензия, протеинурия ва коптокчалар фильтрацияси тезлиги пасайиши кузатилса, ушбу белгилар касалликнинг салбий прогнозини предиктори бўлиб ҳисобланади. Болаларда нефритик ва нефротик синдромларда ўтказилган давога таъсирчанликни бўлиши ва беморда ремиссияга эришиш сурункали буйрак касаллигининг ижобий прогнозини белгилайди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** куйидагилардан иборат: - нефротик ва нефритик синдромларда бемор болаларни шифохонада қолиш муддати 21 кундан 17 кунгача қисқартиртирилган, ҳар бир беморга 4 кун учун сарфланадиган 1 360 800 сўм, 60 нафар бемор ҳисобидан умумий 81 648 000 сўм бюджет маблағларини иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** нефритик ва нефротик синдромли болаларда ташхислаш ва даволашни яхшилаш, 1 нафар беморнинг 1 куни ҳисобига бюджет маблағларини 340 200 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 182 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланиши ҳақида замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича масаланинг ҳолати ҳақидаги долзарблиги таҳлил қилинган адабиётлар шарҳи берилган. Болаларда сурункали буйрак касалликларининг долзарблиги ва эпидемиологияси, этиологик тузилиши тўғрисида маълумотлар берилган. Болалардаги сурункали буйрак касалликларида морфологик ва иммуногистокимёвий кўрсаткичлар, уларнинг патогенетик даволаш тартибини аниқлашдаги, шунингдек, башоратлашдаги аҳамияти ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Буйрак биопсияси ва иммуногистохимёвий текширувнинг морфологик кўринишига қараб болаларда нефритик ва нефротик синдромни даволашнинг турли усуллари таққослаш келтирилган. Болаларда сурункали буйрак касалликлари ривожланишининг индивидуал хавфини белгиловчи мавжуд башоратловчи мезонлар батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Болаларда сурункали буйрак касалликларининг ривожланишини прогнозда клиник-морфологик қонуниятларини баҳолаш материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобда 2010-2022 йилларда Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий маркази ва 2021-2022 йилларда Болалар миллий тиббиёт маркази нефрология бўлимида даволанган СБК нинг турли босқичларида буйрак шикастланишининг нозологик ташхиси қўйилган 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган 238 нафар болаларни истиқболли ва катамнестик ўрганишга асосланган тадқиқот лойиҳаси келтирилган. 238 нафар болаларнинг 146 нафарини бирламчи нефротик синдромли болалар ва 92 нафарини нефритик синдромли болалар ташкил этган. Илмий тадқиқот ТошПТИ «Шошилинич педиатрия, ҳалокатлар тиббиёти» кафедрасида олиб борилган, шу жумладан, клиник тадқиқотлар Республика ихтисослаштирилган Педиатрия илмий-амалий маркази ва Болалар миллий тиббиёт марказининг нефрология бўлимлари базасида олиб борилган. 238 беморлар болалардан 1 ёшдан 3 ёшгача бўлганлари 46 (19.3%) нафарни, 4 ёшдан 7 ёшгача бўлганлари 82 (34.5%) нафарни, 8 ёшдан 12 ёшгача бўлганлари 65 (27.3%) нафарни ва 13 ёшдан 18 ёшгача бўлганлари 45 (18.9%) нафарни ташкил этди. Беморлар орасида 4 ёшдан 7 ёшгача бўлган болалар (34,5%) кўпчиликни ташкил этди, улардан 49 (20,6%) нафари ўғил болалар, 33 (13,9%) нафари эса қиз болалар.

СБК билан касалланган беморлар АҚШ Миллий буйрак жамғармаси (2002) нинг сурункали буйрак касаллиги бўйича клиник кўрсатмаларига мувофиқ сурункали буйрак касаллиги босқичларига мос келадиган гуруҳларга бўлинган. Нефропатиялар кечишининг патогенетик хусусиятлари ва нозологик ташхисларни ҳисобга олган ҳолда, СБК ли болалар иккита кичик гуруҳга бўлинган: нефротик синдромли (ССНС, СРНС ва ТҚНС) 146 нафар бола ва нефритик синдромли 92 нафар бола. Нефробиопсияга кўрсатмаларни ҳисобга олган ҳолда перкутан пункцион нефробиопсия болаларда ултратовуш текшируви ва диаметри 16-18G бўлган Quick-Core типдаги игналар билан биопсия қурилмаси ёрдамида амалга оширилган. Буйрак биопсиясининг морфологик текшируви Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган урология марказида, IPSUM Pathology лабораториясида (Тошкент, Ўзбекистон), Core Diagnostics Pvt Ltd лабораториясида (Gurgaon, Ҳиндистон) ва Илсан Пэк университети клиникасида (Жанубий Корея) бажарилган. Морфологик ташхисни аниқлаш, даволаш режасини белгилаш ва касалликнинг башоратлаш мақсадида буйрак биопсияси ўтказилган. Буйрак биопсиясини ўрганишда IgA нефропатиясини баҳолаш учун MEST шкаласидан фойдаланилган. Маълумотлар базасини статистик таҳлил қилиш SPSS (v20, IBM, Chicago, IL, USA) дастури ёрдамида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Болаларда сурункали буйрак касаллиги кечишининг клиник хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобда

болалардаги нефритик ва нефротик синдромнинг клиник кўринишини қиёсий таҳлил натижалари келтирилган. Нефротик синдромнинг биринчи белгиларининг пайдо бўлиши вақти 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёш жихатидан турлича бўлган. Беморларнинг асосий қисмини (38,4%) 4 ёшдан 7 ёшгача бўлганлар ташкил этган. 1-3 ёшли болалар 27,4% ни, 8-12 ёшли болалар – 19,9% ни ва 13-18 ёшлилар - 14,4% ни ташкил этган. Беморларнинг жинси бўйича ўғил болалар 71,2% ни ва қиз болалар 28,8% ни ташкил этди. Нефротик синдром кечишининг клиник хусусиятларини ўрганиш стероид резистентлигининг пайдо бўлиши 25,4% ни ташкил этишини кўрсатди, шундан 19,2% и бирламчи ва 6,2% и иккиламчи резистентлик, тез қайталанувчи стероид сезгирлик 24% ни ташкил этди. Стероидга чидамли нефротик синдром ва стероидга сезгир тез қайталанувчи нефротик синдромнинг барча ҳолатлари даволаш қийин бўлган гуруҳга мансуб 72 (49,4%) болаларда учради (1-расм).



1-расм. Бирламчи нефротик синдромли кечиши бўйича бирламчи нефротик синдромли болаларнинг тақсимланиши

Тадқиқотнинг иккинчи гуруҳига 92 нафар нефритик синдромли бола киритилган. Нефритик синдром энг кўп 8-12 ёшда (36 бола, 39,1%), энг кам 1-3 ёшда (6 бола, 6,5%) кузатилди. Нефритик синдромнинг клиник кўриниши бўлган 92 боланинг 18 нафарида (19,6%) ўткир нефритик синдром, 64 нафарида (69,6%) сурункали нефритик синдром, 10 нафарида (10,1%) ўткир IgA васкулитли нефрит кузатилган. Сурункали нефритли болалардаги ўртача ифодаланган протеинурия (қунига 1000 - 2000 мг) 35,3% ҳолларда микрогематурия билан, 23,5% ҳолларда эса макрогематурия билан кузатилган. Макрогематурияли ўткир нефротик синдромли болаларнинг 29,6% ида ва микрогематурияли сурункали нефритли болаларнинг 33,3% ида аниқ протеинурия кузатилган. Нефритик синдромнинг клиник хусусиятларини ўрганиш протеинурияли асимптоматик микрогематурия (42,4%), макрогематурия ва протеинурияли буйрақларни ўткир зарарланиши (БЎЗ) ли ўткир нефритик синдром (20,4%), протеинурия билан макрогематурия ва 2-босқичли СБК (11,9%) каби турли хил кечишларни аниқлади, шунингдек, 100% болаларда артериал гипертензия кузатилди, 52% болаларда эса умумий

шиш, 55 нафар (59,8%) болаларда 1-босқич СБК, 12 нафарида (13,0%) 2-босқич СБК ва 12 нафарида (13%) буйрақларни ўткир шикастланиши белгилари кузатилган ва коптокчалар филтрацияси тезлиги (КФТ) камайган (1-жадвал).

1-жадвал

Нефритик синдромли болаларда КФТ

СБК босқичи	Коптокчалар филтрацияси тезлиги, мл/мин/1,73 м ²	Болалар сони	%
1	>90	55	59,8%
2	89–60	13	14,1%
3	45-59	12	13,0%
БЎЗ, олигоурия билан	45-59	12	13,0%


Диссертациянинг «Болалардаги сурункали буйрақ касалликларида клиник кўрсаткичларнинг ва морфологик манзаранинг корреляцияси» деб номланган тўртинчи бобда бирламчи нефротик синдром ва нефритик синдромли болаларда буйрақларнинг клиник кўрсаткичлари ва морфологик кўринишларининг корреляцияси амалга оширилган. 146 нафар нефротик синдромли болаларнинг 72 (49,3%) нафарида буйрақ биопсиясидан ўтказилди. СРНС билан касалланган болаларнинг буйрақ биопсиясининг морфологик манзарасини ўрганиш қуйидаги натижаларни кўрсатди: иммунофлюоресцент (ИФ) микроскопияда иммун депозитсиз коптокчаларнинг минимал ўзгаришлари 21 (56,8%) нафар, ФСГС 13 (35,1%) нафар, PLA2R билан ассоцирланган бирламчи мембраноз гломерулонефрит 3 (8,1%) нафар болада аниқланди (2-расм).



2-расм. СРНС билан касалланган 37 нафар боланинг нефробиопсияси натижалари

СРНС билан касалланган болаларнинг буйрақ биопсиясининг морфологик манзарасини ўрганиш қуйидаги натижаларни кўрсатди: ИФ микроскопияда иммун депозитсиз коптокчаларнинг минимал ўзгаришлари 17 (48,6%) нафар, ФСГС 12 (34,3%) нафар, ИФ микроскопияда IgM иммун депозитли коптокчаларнинг минимал ўзгаришлари 6 (17,1%) нафар болада аниқланди. ТҚНС ва СРНС ли болалардаги нефробиопсия натижалари ИФ


микроскопияда ҳар иккала клиник вариантларда ҳам иммун депозитсиз минимал ўзгаришлар (48,6% ва 56,8%), шунингдек, ФСГС (34,3% ва 35,1%) устунлик қилди (3-расм).




3-расм. ТҚНС билан касалланган 35 нафар боланинг нефробиопсияси натижалари

Нефротик синдромли 92 боладан 59 тасида нефробиопсия ўтказилди, бунда нефритик синдромли болалар орасида турли тоифадаги IgA нефропатияси устунлик қилди (4- ва 5-расмлар).

Буйрак биопсиясини морфологик текшириш натижаларини ўрганиш ва болаларда бирламчи нефротик синдромнинг клиник кўриниши таққослаш шуни кўрсатдики, ИФ микроскопияда стероид резистентли иммун депозитсиз минимал ўзгаришлар 56,7% ҳолларда кузатилди. ФСГС ва мембраноз нефрит ҳам клиник жиҳатдан стероид резистентлиги билан тавсифланди. Нефротик синдром тез қайталанувчи болаларда биопсиясида ҳам минимал ўзгаришлар ва ФСГС ларнинг биопсия ҳолатлари кўп учради (4- ва 5-расмлар).



4-расм. Нефритик синдромли 59 нафар боланинг нефробиопсияси натижалари



5-расм. Биопсиядаги IgA нефропатия турлари

Буйрак дисфункцияси сурункали нефритнинг IgA нефропатия сифатидаги морфологик варианты кўринишида кўпроқ учради. Ўткир ёки сурункали нефритик синдромнинг клиник кўриниши бўлган бемор болаларда ҳатто бир хил ёш тоифасида ҳам сезиларли даражада фарқ қилмасда, буйрак биопсиясини ўрганиш кенг кўламли турли натижалар бериши аниқланди.

Нефритик синдромли болаларда асосий морфологик белги IgA нефропатиясининг турли синфлари (45,8%), шунингдек коптокчаларнинг иммун депозитларсиз минимал ўзгариши (13,6%) ва ФСГС (11,9%) эканлиги аниқланди. Бу, айниқса, СБК оғир даражаларининг ривожланиш хавфи юқори бўлган IgA нефропатиясида яққол намоён бўлади. Тадқиқотимиз жараёнида IgA нефропатияси билан касалланган болаларда унинг клиник кўриниши бир хил бўлишига қарамай, буйракларнинг микроскопик тасвири нефритнинг бошқа морфологик вариантларига қараганда аниқ ўзгаришлар билан пайдо бўлганлигини аниқладик.

Диссертациянинг «**Болалар сурункали буйрак касалликларининг морфологик вариантларига қараб патогенетик даволашнинг самарадорлиги**» мавзусидаги бешинчи бобда клиник ва морфологик кўрсаткичларга кўра, болаларда сурункали буйрак касалликларида иммуносупрессив дори воситалари билан даволаш натижалари таҳлил қилинган. Циклофосфан ТҚНС ва СРНС ларда ремиссияга эришишда камроқ самарадорликни кўрсатди (мос равишда 28% ва 25%). ТҚНС ни даволашда Циклоспорин А самарадорлиги 65,0% ни, СРНС ҳолатларида эса 55,6% ни ташкил этди. Микофенолат мофетил ТҚНС ни даволашда яхши самарадорликни кўрсатди (сезгирлик 62,1% ҳолатда), аммо унинг СРНС даги самарадорлиги 24,1%ни ташкил этди. Такролимус ТҚНСли болаларни даволашда ҳам ва СРНС ҳолатларида ҳам самарадорликка эга бўлган, такролимусга сезгирлик мос равишда 66,7% ва 65,0% ни ташкил этган. Рецидивли болаларда микофенолат мофетил ва такролимус комбинацияси

ишлатилди, бу даволаш режимининг самарадорлиги энг юқори бўлган – 94,4% (2-жадвал).

12 йиллик кузатув якунигача буйракларнинг морфологик кўринишига кўра, ТҚНС ли 35 болада СБК ривожланиш тезлигини ўрганиш натижалари даволаш натижасида IgM депозитли минимал ўзгаришлар бўлган болаларда СБК нинг 3-, 4- ва 5- босқичлари ривожланиши ҳолатлари қайд этилмаганлигини кўрсатди. СБК нинг 3-, 4- ва 5- босқичлари иммун депозитсиз минимал ўзгаришларли ТҚНС билан касалланган 29,4% болалар ва ФСГС билан касалланган 58,3% болаларда ривожланган. Кузатувнинг 6-йилининг охирига келиб, 4 нафар (11,4%) болада 3-босқич СБК кузатилди.

2-жадвал.

Болаларда ТҚНС ва СРНС ларни даволашда иммуносупрессив дори воситаларининг самарадорлиги


Доривоситаси	ТҚНС, 35 бола		СРНС, 37 бола		ИИ	p
	N	%	N	%		
Циклофосфан	25	100,0%	12	100,0%	5,47	<0,08
